



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 118 (10.927)

Баҳоси эркин нарҳда

ПОЙТАХТНИНГ
Бир кун
Янгиликлар, воқеалар

БУГУН ТОШКЕНТДА
«УНИВЕРСИАДА — 2007»
ЁШЛАРИНИНГ СПОРТ ҲАЙОТИ
БОШЛАНДИ



ХУШ КЕЛИС...
ФАҚАТ ЎЗБЕКИСТОНДА
БЎЛГАН, ХАЛҚИМИЗ
ЛУГАТИНИНГ БЕБАҲО
ДУРДОНАСИГА
АЙЛАНГАН, ТАНИШ-
НОТАНИШ, КАТТАЮ
КИЧИКИНИ ХУРМАТ ВА
ЭҲТИРОМ ИЛА ЎЗИГА
РОМ ЭТУВЧИ БУ СЎЗЛАР
ШУ КУНЛАРДА ТАҚВОР
ВА ТАҚВОР — МИНГ-
МИНГЛАБ МАРТА, УНДАН
ЗИЁД ЯНГАЙТИРИЛИШИ
ГУВОҲИМИЗ.



Ёшлик ва гузаллик байрами

Куну тун ўз вазифасини аъло даражада ўтаб келувчи Тошкент аэропорти ва Марказий вокзал КЕЧА том маънода минглаб меҳмонларнинг ҳақиқий қадамжо маконига айланди. Бу ерда юртимизда тўртинчи мартаба ўтказилаётган ёшлар спорт фестивали «Универсиада — 2007» иштирокчилари қизгин кутиб олинди.

Дўстлик, бирдмлик, гузаллик рамзларини намойён этган кутиб олиш тadbирлари ўзгача шукда — ўзбекларга хос шохона тўй қўринишида уюштирилди, десак муболага бўлмайди. Ва бу фақат шу каби маросимларнинг асосий белгиси — карнай-сурнай садоларининг фойзидан янграши билангина ифодаланиб қолмади, албатта. Шу қаторда бошқа кўпга аён бўлган ҳолда намойиш этилди. Бугун республика халқи номидан тошкентликлар ота-она сиймосида ўз фарзандларини катта бир синов олдидан юқори чўққиларни забт этишда оқ йўл тилаб олқишладилар. Улар энг чакқон, кучли, иродали, қизгин ва мурасисиз беллашувларда яқинлар, дўстлари, устозлари, унга умид боғлаган барчанин ишончини оқлашдек мақсадни ўз олдига қўйган минглаб ўил-қизларимизни кутиб олишга шайлангандилар.

Спортни севувчи, жисмоний жиҳатдан чиқинчан навқирон бу ўил-қизлар — олий ўқув юртилари талабалари, эртанги икти-содчилар, дипломатлар, врачлар, олимлар, келажаги буюк давлатимизнинг фарзандларидир. Айнан шу маънода ҳам уларга азим шаҳримизга илк қадам қўйишлари билан дебонадек бўлса ҳам, лекин юқорида айтиб ўтилганидек, барча урф-одатларимизни — хаттоки тинч-тотув ва ширин ҳаёт тилагини англатувчи патири нон ва қанд тилиштириш урфини ўз ичига қамраган кичкина тўй уюштириб беришга ҳаракат қилинганининг босиси шундадир.

Мураббий сифатида Универсиада уйинларида тўртинчи мартаба қатнашган, — дейди Андижон вилоятининг баскетбол бўйича терма жамоаси бош мураббийи Шавкат Абдуллаев. — Беллашувлар энди бошлансада, лекин ташкилотчилик ботида олдиндан хулоса чиқариш мумкин даражадаги фикрни билдирмоқчиман. Ҳа, аъналаримиз кундалик ҳаётимизга сингиб кетган. Лекин таъкидлаш жоизки, мана шундай — ўзбекона кадр-қўлматни англатувчи дақиқалар ҳар доим ҳам бўлавермайди. Поезд хали Тошкент шаҳри чегарасига етиб келмасидан — 500-600 метр узоқликдан карнай-сур-

най садоларининг янграши мени ҳам, шогирдларимни ҳам жуда руҳлантирди. Тошкент вокзалидаги кўзни қамаштирувчи ранглар жилоси эса шаҳсан менинг, кўлни кўриб ярим асрни яшаб қўйган бўлсам ҳам, кўнглимга яшндек таъсир этди. Бу ҳаяжон кўз ёшлари эди...

Жамоамиз таркиби хали анча ёш, асосан биринчи курс талабаларидан иборат. Демокчиманки, совринли ўринларни

си Шерзод Шарипов. — Гуллар шаҳри, лолқизгалдоқдек олмалар шаҳри, дунёда энг гузал қизлар шаҳри, киндек қоним тўкилган Наманган мен учун ота-онамдек азиз. Тошкент эса ҳар бир ўзбекистонлик учун гурур ва ифтихор шаҳри. Ҳар бир ўзбек бу ерда ўзини ўзгача ҳис этади. Боси — Тошкент мамлакатимиз юрғи, қалбидир.

— Тошкент Универсиада мен учун иккинчи шу даражадаги мусобақадир, — сўзида давом этади суҳбатдошимиз. — Самарқандда бўлиб ўтган уйинларда стол теннисни бўйича кўрсатган натижаларимиз ёмон эмасди. Вилот микёсида бу спорт тури аста-секин профессионал даражага чиқиб бормоқда, шунга мувофиқ стол теннисига ҳавас билдираётган ёшлар сафи ҳам кенгайётди. Спортда олдиндан башорат қилиш ўринсиз, лекин ютуқларга эришиш ниятимиз борлигини беркитмайман...

Спортчи ёшларимизнинг кечаги кун таассуротларга бой бўлди. Дўстона учрашувлардан, хаттоки ўша кичик-кичик Универсиада рамизи тасвирланган совгалардан ҳам уларнинг самимий қувончи ичига сиғмасди. Шу ўринда кўпга ташкилотчилар қаторида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати фаолларининг балки, кимгадир сезилмаган, аммо айниқса кеча сидқидилдан намойён этган хизматига ташаккур билдириб ўтиш жоиздир. «Универсиада — 2007» га тайёргарлик кўриш ва ўтказиш тadbирларига минглаб ушбу ҳаракат аъзолари жалб этилган ва улар ўз зиммаларига юклатилган вазифани аъло даражада адо этмоқда, дейишга ҳақлимиз.

«Универсиада — 2007» иштирокчиларини кутиб олиш маросимларида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р. Қосимов, Тошкент шаҳар ҳокими А.Тўхтаев қатнашди. БУГУН асим Тошкентимиз ҳаётида катта қувончли воқеа қутилмоқда. «Ёшлик» спорт мажмуасида кечки пайт тантанали равишда талаба ёшлар фестивалига старт берилиб, «Универсиада — 2007»-нинг машъаласи ёқилди.

Бу ҳақда ва бўлиб ўтган илк мусобақалар натижалари хусусида газетамизнинг кейинги сонларида таништириб борамиз. Илмира ЗАЙНУТДИНОВА СУРАТЛАРДА: шаҳримиз Универсиада қатнашчиларини мана шундай илк кутиб олди.

Наталья Семёнова ва ўза олган суратлар

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВ РАҲНАМОЛИГИДА МАМЛАКАТИМИЗ ҲАЙОТИНИНГ БАРЧА ЖАҲАЛАРИДА УЛКАН ЎЗГАРИШЛАР

АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА. НЕФТЬ ВА ЭНЕРГЕТИКА ҲАМДА ҲАЛЛА МУСТАҚИЛЛИГИ ДЕЙМИЗИ, ЎЗБЕКИСТОН САНОАТИ УЧУН ЯНГИ СОҲА — АВТОМОБИЛСОЗЛИКНИНГ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛИШИ ДЕЙМИЗИ, ТЎҚИМАЧИЛИК САНОАТИНИ ТУБДАН МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ЁКИ ЛИЦЕЙ, КОЛЛЕЖ ВА ЯНГИ МАКТАБЛАР ҚЎРИШ ДЕЙМИЗИ — БУ ЎЗГАРИШЛАРНИ САНАБ ЧИҚИШНИНГ ЎЗИЕК АНЧА ВАҚТ ТАЛАБ ҚИЛАДИ.

**ЙЎЛЛАРИМИЗ
ҲАМИША ОЧИҚ
ВА РАВОН
БЎЛСИН**

Ҳар қайси мамлакат ҳаёти ва тараққиёти учун муҳим аҳамият касб этадиган, таъбир жоиз бўлса, иқтисодиётнинг қон томири бўлган йўллари таъмирлаш, кенгайтириш, янгиликларни бунёд этиш борасида юртимизда амалга оширилган кенг кўламли ишлар ҳам ана шу ўзгариш ва янгиликларнинг силсиласида алоҳида ўрин тутди. Чунки йўллар нафақат иқтисодий ривожланишга, айни вақтда халқнинг ҳаёт тарзи, маданияти, руҳи ва кайфиятига ҳам бекиёс таъсир ўтказди. Бунга бир билимиз ўз ҳаётимиз мисолида яхши биламиз.

Урмининг қоқ ярми йўлларида ўтди, деб баган эди машҳур шоиримиз. Менинг ҳам, кўпгина юртдошларимиз каби, хизмат тақозоси ёки оилавий юмушлар туфайли «Тошкент — Термиз» катта ўзбек тракти, пойтахтимизни Фарғона водийси билан боғлайдиган «Тошкент — Ўш» халқаро автомобиль йўли каби автомагистраллар бўйлаб кўп қатнашимиз тўғри келади. Қамчи довои орқали ўтадиган йўл илгари илмизни сўқмоқчи эслатар эди. Иккита машина рўбарў келиб қолса, зўрға сизгарди ёки бири иккинчисининг ўтишини кутиб турарди. Ҳавфли бурилишлар, ўйдим-чўқурлар, чанг-тўзонни-ку қўяверинг...

Давлатимиз раҳбарининг эътибори, мамлакатимиз йўлсозларининг фидокорона меҳнати билан бу йўл кенг ва равон, транспорт икки-ёклама бемалол ҳаракатлана оладиган замонавий автомагистралга айланди. Шу кунларда бу йўлнинг Кўшминор аҳоли пунктидан Кўкон шаҳригача бўлган қисмидан ўтсангиз, сифат жиҳатидан хорижийликдан қўлланма билан бўлмасиз. Қамчи довоида бунёд этилган умумий узунлиги 2,5 километри ташкил этадиган икки тунел эса йўлни яқин ва хавфсиз қилибгина қолмай, мамлакатимизнинг муқтақиллик баҳш этган имкониятлари халқимизнинг бунёдкорлик салоҳиятини яққол намойён этиб турибди.

Германия технологияси асосида таъмирланган, икки ёнида замонавий инфратузилма — меҳмонхона ва дам олиш масканлари, савдо ва маиший хизмат шохобчалари барпо этилаётган бу йўлдан ўтган ҳар қандай одам йўлсозлар меҳнатига тасанно айтади, қорли тоғлар, мусаффо осмонга боқиб дили яйрайди, юртимизнинг гузал ва бетакрор манзаралари, қўрқу тароватига мафтун бўлади...

(Давоми 2-бетда)

**Қисқа
сатрларда**

●БУГУН Ҳамза туманидаги 244-мактаб қошида ташкил этилган ёзги соғломлаштириш оромгоҳида «Тенгдош» маданият уйи ҳамкорлигида тарбияланувчилар, тарбиячилар иштирокида уюштирилган адабий кеча ва концерт дастури «Ёз — ўтмоқда соз» деб номланди.

●РЕСПУБЛИКА шошилинч тиббий ёрдам илмий марказида умумжаррохликнинг бешта асосий йўналиши бўйича баҳарилган 100 дан ортиқ жаррохлик амалиётида Жанубий корейлик шифокорлар ҳам иштирок этишди.

●СЕРТЕЛИ туманидаги Ҳабибий маҳалласида «Гулшан» тикув чехи фаолият бошлади.

●ЎЗБЕКИСТОН Банклар ассоциацияси ташаббуси билан шаҳримиздаги 13 та умумтаълим мактабида ташкил этилган иқтисодлаштирилган банк синфларининг битирувчи ўқувчиларига дипломлар топширилди.

●ШАЙХОНТОХУР туманидаги «Лочин» соғломлаштириш оромгоҳида Ўзбекистон Республикаси Бадий академияси ташаббуси билан тарбияланувчилар ўртасида ўтказилган расмий бўйича кўрик-танлов «Ёз — ўтмоқда соз» лойиҳаси доирасида уюштирилди.

●ЎЗБЕКИСТОН Давлат консерваториясида иқтидорли ёшлар ўртасида уюштирилган «Олтин хумо» кўрик-танловининг Юнусобод туман босқини бўлиб ўтди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).

**XXI АСР
САДОСИ**
БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН
СЎНГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

●Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази республика Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси билан ҳамкорликда «Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказининг нодавлат нотижорат ташкилотлари билан инсон ҳуқуқлари ни ҳимоялаш соҳасидаги ҳамкорлиги» мавзусида конференция ўтказди.

●«Экосан» халқаро ташкилоти томонидан юборилган «Ўзбекистон темир йўллари — Экосан» поезди Навоий шаҳрига етиб келди. 40 миллион сўмликдан иборат инсонпарварлик юки ортилган ушбу поездда катталар ва болалар учун кийим-кечаклар, пойабзаллар, санитария-гигиена воситалари, уй-рўзгор буюмлари бор.

●Самарқанд вилояти меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси томонидан ташкил этилган навбатдаги бўш иш ўринлари ярмаркасида институт ва коллежларнинг битирувчилари ҳам мутахассис кадр сифатида қатнашишди. Таъкидлаш керакки, талабгорларнинг 1878 нафари ишга жойлаштирилди, 830 киши эса касаначилик меҳнатига жалб этилди.

●Мамлакатимизда фаолият юритаётган жамоат ташкилотлари сони Ўзбекистон Асарларчилар ассоциацияси ҳисобига яна биттага кўпайди. Янги бирлашманинг мақсади мамлакатимизда асарларчилиқни янада ривожлантириш, махсулот экспорти ҳажмини юксалтиришдан иборатдир.

●Жиззахда «RIPOLTEKS TEKSTIL» хорижий корхонаси очилди. Ушбу корхона бевосита хорижий инвестицияларни жалб этиш минтақавий дастури доирасида ташкил этилган бўлиб, полипропилен калавалари ва ипларини чиқаришга ихтисослашган. Корхонада ҳозирда бир кеча кундузда 4 тонна махсулот ишлаб чиқарилмоқда. Хорижий корхонанинг очилиши натижасида 18 киши ишли бўлди.

●Фольклор-этнографик дасталарнинг Самарқандда бўлиб ўтган республика фестивалида юртимизда фаолият юритаётган халқ дасталари ижодкорлари ижросида лапарлар, қўшиқлар, шунингдек, дostonлардан парчалар янгради.

●Қарши шаҳрида «Меҳнатни муҳофаза қилиш, саноат ва ёнғин хавфсизлиги» мавзусида семинар-кенгаш бўлиб ўтди.

●Қаршидаги Олимпий захиралари коллежининг енгил атлетика манежида «Соғлом оила» номли спортга ошно оилаларнинг аънавий республика мусобақалари бўлиб ўтди.

●Андижон вилояти, Балиқчи тумани йўлдан фойдаланиш, таъмирлаш хўжалик корхонаси ўз асфальтбетон заводига эга бўлди. Анда бир кеча-кундузда 200 тонна асфальт ишлаб чиқарилади. Энг муҳими, корхонанинг фаолият бошлаши билан 30 нафар киши доимий иш билан таъминланди.

●Жорий йил бошидан «Андижонкабель» Ўзбекистон-Россия қўшма корхонасида 23 миллион 40 миллион сўмлик махсулот ишлаб чиқарилди. Яқинда корхона Хитойда ишлаб чиқарилган 227 минг АҚШ доллари қийматидagi янги технологик анжомларни сотиб олди. У юқори қувватли кабель махсулотини чиқаришга мўлжалланган бўлиб, янги линиянинг ишга туширилиши билан яна 12 киши иш ўрнига эга бўлади.

ЖАҲОНДА

●Қозғистон парламенти иккала палатасининг қўшма мажлисида «Қозғистон Президенти тўғрисида»ги қонунга ўзгартиришлар киритилди ва қабул қилинди.

●Фаластин мухториятидаги икки сиёсий куч — ФАТХ ва ХАМАС ўртасидаги зиддиятлар тобора кучайиб бормоқда. Хусусан, ФАТХ ташкилоти марказий қўмитаси Рамаллоҳда ўтказган йиғилишида ХАМАС билан ҳар қандай алоқаларнинг тамоман узилиши ҳақида қарор қабул қилди.

●Фаластиннинг Ҳазо секторидан Украина, Россия, Беларусь, Молдова мамлакатлари фуқароларини қўриқиб бошланди. Фаластинда ҳарбий операцияларнинг кучайиб бораётгани бунга сабаб бўлмоқда.

●Кеча Бағдодда амалга оширилган кучли қўпрувчилик ҳаракати — портловчи қурилма ўрнатилган юк автомашинасининг портлаши оқибатида 75 киши ҳаётдан қўз юмди, 200 дан кўпроқ одам оғир жароҳатланди.

●БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича Кенгаши Беларусини инсон ҳуқуқлари бўйича вазиятини алоҳида эътибор билан кузатиш лозим бўлган мамлакатлар рўйхатидан чиқарди.

●Ҳарбий жиноятлар бўйича Босния суди илк бор судланувчини — 1992-1995 йиллардаги Болкон уруши пайтида ҳарбий жиноятлари амалга оширишда айбланаётган серб миллатига мансуб Зоран Янковични оқлади. Гап шундаки, Сараево шаҳрида бўлиб ўтган суд ҳаётида прокурорларнинг айбловлари инобатга олинмади ва 47 ёшли Янкович оқланди, унинг бўйнидаги барча айблар олиб ташланди.

●Кеча Россиянинг Омск областида жойлашган қариялар уйида чиққан кучли ёнғин 10 кишининг ҳаётига зомин бўлди. Қутқарувчиларнинг сазй-ҳаракатлари билан олов домидан 300 нафар кексалар қутқариб қолинди.

●Қурорт мавсуми бошланган шу кунларда Кримда ҳама кескин айнади. Яъни икки кундан буён тинимсиз ёғаётган кучли ёмғир натижасида шаҳар кўчаларини сув босди.

Савдо, матлубот кооперацияси ва маиший хизмат кўрсатиш ходимлари кунига

МЕҲНАТ ЮТУҚЛАРИ БИЛАН НИШОНЛАШМОҚДА

ҲАР БИР БАЙРАМНИНГ ЎЗИГА ХОС ШУКУҲИ БОР. ШУ ЖУМЛАДАН ЮРТИМИЗДА КЕНГ НИШОНЛАНАДИГАН ҲАР БИР СОҲА ХОДИМЛАРИНИНГ КАСБ БАЙРАМЛАРИ БОРКИ, УЛАРНИ МЕҲНАТ ЮТУҚЛАРИЮ ЭРИШИЛГАН МУВАФФАҚИЯТЛАР БИЛАН КУТИБ ОЛИШ АНЪАНАГА АЙЛАНИБ ҚОЛГАН. САВДО, МАТЛУБОТ КООПЕРАЦИЯСИ ВА МАИШИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ХОДИМЛАРИ КУНИ ҲАМ АНА ШУНДАЙ БАЙРАМЛАР СИРАСИДАНДИР.

—Жамоамиз аҳли ўз касб байрамларини ҳар йили ёруз юз билан сидқидилдан қилинган меҳнат самараларидан баҳраманд бўлиб кутиб олар эканлар, шу ўринда таъкидлаш лозимки, мустақиллигимиз даврида пойтахтимизда ҳам савдо, маиший хизмат кўрсатиш соҳасида катта ихобий ўзгаришлар юз берди,—дейди Тошкент шаҳар ҳокимлиги Савдо, хизмат кўрсатиш соҳаси ва халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш департаменти раҳбари Равшан Абдумажитов.—Энг асосийси савдо ва маиший хизмат соҳасидаги корхона ва шохобчалар 1993 йилдан бошлаб босқичма-босқич давлат тасаруфидан чиқарилиб, уларнинг мулк шакли ўзгартирилди ва акционерлик, жамоа, хусусий корхона ва жамиятларга айлантирилди. Бу ўз ўрнида савдо ва маиший хизмат соҳаси ривожига йўл очиб берди, аҳолига янада сифатли ва намунали хизмат кўрсатиш истикболларини яратди.

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва Тошкент шаҳар ҳокимиятининг қарорлари билан 1997 йил июнь ойида шаҳар аҳолисини озиқ-овқат ва саноат моллари билан узулқисм таъминлаш, маиший хизмат кўрсатиш ва халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқаришда фаолият кўрсатаётган мулкчилик шаклидан қатъи назар барча корхона ва ташкилотлар ишини мувофиқлаштириш мақсадида Савдо, хизмат кўрсатиш соҳаси ва халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш Депар-

таменти ташкил топди ва бугунги кунда ўзининг 10 йиллигини нишонламоқда. Бугунги касб байрамимизни ана шу сана билан уйғуллашиб, ўзига хос руҳда кўтаринки кайфият билан ўтказилишига эришиш ниятидамиз.

1991 йил пойтахтда савдо соҳасида 5,5 мингга яқин дўкон, умумий овқатланиш корхоналари ҳамда маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари мавжуд бўлган бўлса, 2007 йил 1 июнь ҳолатига келиб савдо ва умумий овқатланиш соҳасида улар сони 14232 тани, маиший хизмат соҳасида бу кўрсаткич 3550 тани ташкил этди. Фақат 2006 йилда Тошкент шаҳрида 954 ишчи ўринли 452 та маиший хизмат шохобчалари ишга туширилди, Мустиқиллик йилларида савдо соҳасида корхона ва шохобчалар сони 2,5 баробар, маиший хизмат соҳасида—3 баробарга ортди.

Шаҳримизда урта ва майда тадбиркорликни (шу жумладан савдо ва маиший хизмат кўрсатиш соҳаси) ривожлантиришга катта аҳамият қаратилиб, натижада соҳа ривожини асосан тадбиркорлар маблағлари ва чет эл инвестициялари ҳисобидан амалга оширилмоқда.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар турли корхоналар шаҳримизда замонавий савдо иншоотларини қуриб ёки қайта таъмирлаб, ҳамшаҳарларимиз, пойтахтимиз меҳмонларига кўрсатилаётган хизмат даражасининг яхшиланишига ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Ўтган йилда Учтепа тумани, Ўйғур қўчасида 600 ўринли «Икбол» ресторани, Сегизбоев қўчасида 450 ўринли «Минг ўрик» ресторани ишга туширилди. Сергели тумани, Чоштепа қўчасида 300 ўринли «Замин бизнес» ХФ ресторани очилди. Чилонзор тумани, С.Юсупов қўчасида «Саид-вақосон плюс» МЧЖ, Фарход—С.Юсупов қўчалари чорраҳасида «Зиёд шох» савдо мажмуалари ишга туширилди.

Шайхонтоҳур туманидаги «Эски Жува»

деҳқон бозори ҳудудида 600 квадрат метр майдонни эгаллаган замонавий «Зарқайнар» савдо мажмуаси фойдаланишга топширилди. Форобий қўчаси «Олтин тепа» даҳасида бир қатор савдо дўконларининг қурилиши тугалланмоқда.

Юнусобод тумани, Юнусобод-8 мавзесида «Гули Равно» ресторани ва Кичик халқа йўли қўчасида «ХХХ», С.Раҳимов тумани Беруний қўчасида 450 ўринли «Тинчлик» ресторани очилди.

Хусусий тадбиркорларнинг 70 фоиздан ортиғи савдо соҳасида фаолият кўрсатмоқдалар, уларнинг асосий қисми бозорларда иш юритадилар. «Тошбозортайёрловсавдо» уюшмаси тизимидаги деҳқон ва бошқа турдаги бозорлар ва савдо марказларида 26,7 мингга яқин савдо жойлари яратилиб, улардан 73 фоизи қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари савдоси, 27 фоизи бошқа товарлар савдоси учун ажратилган. Хусусий тадбиркорларга бозор ва савдо марказларида керакли шарт-шароитлар яратиш ишлари давом этмоқда. Охириг йиллар давомида деҳқон ва буюм бозорларида катта бунёдкорлик ишлари амалга оширилди, уларнинг ташқи кўриниши ўзгача қиёфа касб этиб, ички шарт-шароитлари талаблар даражасида тубдан ўзгарди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 29 июлдаги 330-сонли қарорига биноан «Эски Жува» деҳқон бозорида катта қурилиш-тиклаш ишлари олиб борилди, яъни 40 та савдо дўкони қурилди, фавворалар ишга туширилди, «Қора қамиш деҳқон бозори» ОАЖ томонидан янги русумда 50 ўринга мўлжалланган «Ешлик» шохобчаси, «Сергели деҳқон бозори»да 130 та савдо дўкони қурилди ва «Авиасозлар деҳқон бозори» ОАЖ ҳудудида 1200 квадрат метрли 242 ўринли қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари савдо шийнони ишга туширилди.

«Олой деҳқон бозори» ОТАЖ ҳудудида қурилиш моллари билан савдо қилишга мўлжалланган 72 та турғун дўконлар қури-

лиши якунланди. Шунингдек, бошқа бозорларда ҳам катта таъмирлаш ишлари бажарилди, сотувчи ва хариддорларга замонавий ҳамда қулай шарт-шароитлар яратилди.

2007 йил январь—май ойларида барча де-



ҳқон ва буюм бозорларида катта ободонлаштириш ва кўчаламзорлаштириш ишлари амалга оширилди, савдо расталари таъмирланди ва ракамланди, тош-тарозилар ва пластмасса идишлар билан таъминланди.

Тошкент шаҳар аҳолисининг мева-сабзавот маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини тўлароқ қондириш учун туман ҳокимликлари республиканинг бириктирилган вилоятларига бориб ажратилган ер майдонларида мева-сабзавот маҳсулотларини етиштириш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишди.

Айтиш жоизки, жорий йилнинг Президентимиз томонидан «Ижтимоий ҳимоя йили» деб эълон қилинганлиги муносабати билан савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида ишлаб кетган фахрийларга алоҳида эътиром кўрсатилмоқда, байрам арасида уларнинг уйига бориб хабар олинадиган, совға-саломлар тарқатилган. Шунингдек, касб байрами кунига бағишлаб ҳар бир туманда ва шаҳар миқёсида байрам тадбирлари ўтказиш ва дастурхонлар ёзиш режалаштирилган.

«Элга хизмат—олий ҳимоят» дейди доно халқимиз. Ўз байрамларини ана шу нақлга тўла амал қилган ҳолда нишонлаётган касб соҳиблари дилларида эзгу ният билан ҳамisha эл хизматида бўлишга, сифат ва самарадорликка эътибор қаратишга бел боғлашган.

Шарифа ИЛЁСОВА



ЙЎЛЛАРИМИЗ ҲАМИША ОЧИҚ ВА РАВОН БЎЛСИН

(Давоми.Боши 1-бетда)

Ёки «Тошкент — Термиз» йўлининг кейинги йилларда мутлақо янги қиёфа касб этганини олайлик. Яқинда бу йўлнинг Жиззах шаҳри четидagi тепалик орқали ўтайдиган бўлағида реконструкция ишлари тугалланди. Эндilikда автомобиллар Амир Темур дарвозаси деб аталадиган жойдаги сой бўйлаб бурама йўллардан айланиб ўтмасдан, тепаликдан мазкур йўлнинг янги очилган қисми орқали тўғри Самарқанд йўналишига тушиб олиш имконига эга бўлди.

Шунингдек, «А-380» Ғузор — Қўнғирот — Бейнов халқаро йўлининг Бухоро вилояти ҳудудидаги 10 километрлик бошланғич қисми бутунлай реконструкция қилиниб, эни ўн беш метргача кенгайтирилди. Бу ерда 2 миллиард сўмлик иш бажарилди. Газли йўл қурилиши корхонаси директори Саъдулла Абдуллаевнинг айтишича, ҳозир ушбу трассанинг навбатдаги 25 километрлик қисмида иш қизғин давом этмоқда.

Шу ўринда кейинги йилларда мамлакатимизда автомобиль йўллари қуриш ва улардан фойдаланиш ишларига мутасадди бўлган «Ўзавтйўл» давлат акциядорлик компанияси томонидан амалга оширилаётган ана шундай катта миқёсдаги ишлар ўз самарасини бераётганини таъкидлаш жоиз. Агар мамлакатимиз йўл тармоғининг умумий узунлиги 183 минг 700 километрдан ортиқ эканини кўз олдимизга келтирсак, бу ишлар кўламини тасаввур қилиш қийин эмас. Чунончи, юртимиз ҳудудидаги 3626 километр халқаро, 16909 километр мамлакат, 21995 километр маҳаллий аҳамиятга молик йўлларнинг қишин-ёзин узлуқсиз ишлатилиши таъминлаш, техник ҳолатини талаб даражасида сақлаб туриш, таъмирлаш ва реконструкция қилиш, янги йўллар, йўл ўтказғичи ва кўприклар қуришнинг ўзи бўлмайди. Бунинг учун қанча-қанча ишчи кучи, моддий ресурслар, энг муҳими меҳнат ва маҳорат талаб этилади.

Бунга Хоразм вилояти Ҳазорасп туманида Амурдарё узра бунёд этилган, поезид ва автомобиллар қатнайдиган музасан кўприк, «Тошкент — Термиз», «Самарқанд — Бухоро — Ашхобод», «Самарқанд — Қарши», «Ғузор-Бухоро — Нукус — Бейнов» каби умумий фойдаланиладиган автомобиль йўлларида амалга оширилган реконструкция ва таъмирлаш ишлари, 35 километрлик «Ғулистон — Гагарин» йўлининг тўлиқ фойдаланишга топширилган яққол мисол бўла олади. Бу йўллар мамлакатимиз ҳудудларини бир-бири билан боғлади, қанча одамларни йўл азобидан халос этди, вақт ва маблағларни тежаш имконини берди.

Илгари айрим автомобиль ва темир йўлларимиз Тожикистон, Туркменистон, Қозғистон каби қўшни давлатлар ҳудудида ўтар, бу ҳолат муайян қийинчиликлар келтириб чиқараётган эди. Янги йўлларни лойиҳалаштириш, мавжудларини реконструкция қилишда ана шу муаммоларни ҳал этишга алоҳида эътибор қаратилди. Натижада одамларимиз ўз йўлларимиздан бемалол ва эркин юрадиган бўлди. Шулар ҳақида ўйлаганда, халқимиз йўл ва кўприклар қуриш маशाққатли, айнаи вақтда бағоят савобли иш, деб беккиз айтмаганига қайта-қайта ишонч ҳосил қиламиз.

2006 йил мамлакатимиз йўл қурилишида ўзига хос бурилиш йили бўлди, дейиш мумкин. Мазкур компания тизимидаги корхоналар томонидан умумий фойдаланиладиган автомобиль йўлларида 134 миллиард сўмликдан ортиқ қурилиш ва таъмирлаш ишлари, йўлларнинг техник соғлигини таъминлашга қаратилган 31 миллиард сўмликдан зиёд ишлар бажарилди. Айнаи вақтда ташқи буюртмачиларга 34,4 миллиард сўмлик хизмат кўрсатилди.

Шу асосда йўл қурилишини бошқариш тизимини такомиллаштириш, ортиқча бошқарув бўғинларини қисқартриш, пироваддада бу соҳада ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари кўрилди.

Мамлакатимизнинг халқаро коммуникациялар тармоғига интеграциялашув жараёнини тезлаштирадиган, халқаро транспорт йўллари ва ҳажон бозорларига энг қисқа йўл орқали чиқишини таъминлайдиган инфратузилани шакллантириш ҳамда мавжуд транспорт ва телекоммуникациялар тизимини янгилаш борасида амалга оширилган бу ишлар, ўз навбатида, Ўзбекистонимизнинг иқтисодий салоҳияти ва халқаро майдондаги мавқеини янада оширишга хизмат қилмоқда.

Йўлбошимиз Ислоҳ Каримов қайта-қайта таъкидлагандек, ҳаёт, тараққиёт ҳеч қачон бир жойда тўхтаб турмайди. Ҳар бир инсон, жамият олдида янги-янги вазифалар, янада юксак марралар пайдо бўлаверади. Бинобарин, йўл қурилиши, уларни созлаш ишлари ҳам низоҳа билмайди — янги йўналиш ва шаклларида давом этаверади. Бунинг Иқтисодиёт вазирлиги ҳамда Статистика давлат қўмитасидан олинган маълумотга кўра, мамлакатимизда халқаро ва давлат аҳамиятига эга умумий фойдаланиладиган автомобиль йўлларини қуриш, реконструкция қилиш, капитал ва ўртача таъмирлаш бўйича тасдиқланган дастурга мувофиқ 2007 йилнинг биринчи чорагида бажарилган йўлсозлик ишлари белгиланган ҳажмига нисбатан 105,5 фоизни ташкил этганида ҳам қўриш мумкин.

Ҳозирги кунда бу борадаги ишлар давлатимиз раҳбарининг 2006 йил 20 декабрда қабул қилинган «2007-2010 йилларда умумий фойдаланиладиган автомобиль йўллари қурилишини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги қарори асосида изчил олиб боришмоқда. Ушбу ҳужжатда мамлакатимизда йўл ҳўжалигини яқин ва узоқ истиқболда ривожлантириш стратегияси белгилаб берилган. У қанча келажақда Ўзбекистоннинг Ҳамдустлик ва Европа давлатлари, Туркия ва Эронга чиқишини таъминлайдиган йўлларни янада яхшилаш, Афғонистон ва Эрон ҳамда Афғонистон — Покистон йўналишлари орқали денгиз портларига чиқиш имконини берадиган ўта муҳим ва стратегик аҳамиятга эга масалаларни ҳал этишни ўз ичига олади.

Маҳаллий аҳамиятга молик йўллар, шаҳар ва қишлоқларимиздаги йўл ва қўчаларни таъмирлаш ва ободонлаштириш бўйича ҳам улкан ишлар қилинмоқда, натижада юртимизнинг қиёфаси тубдан ўзгармоқда. Энг муҳими, бу хайрли ишларга ҳомий ташкилотлар, саховатпеша инсонлар муносиб ҳисса қўшмоқда. Биргина пойтахтимиз Тошкент шаҳрида бу борада амалга оширилган ишлар, хусусан Кичик халқа йўлининг барпо этилиши, Сирғали тумани, Чилонзор метроси, Амир Темур қўчаси, Юнусобод чорраҳаларида қад рўстлаган мухташам кўприклар ҳар биримизга ҳақсиз гурур ва ифтихор бахш этади. Самарқанд ва Марғилон шаҳарларининг кўтлуг тўйлари муносабати билан амалга оширилаётган ишлардан қўнғилиш тоғдек кўтарилди. Одамларга қулайлик яратиш, юртимиз янада обод ва фаровон бўлишига эришиш мақсадида қилинаётган бундай савобли ишлар ҳақида кўп ва ҳўб гапириш мумкин.

... Йўл икки манзил орасидаги масофадагина иборат эмас. Бу сўзининг моҳияти теран, маъносини кенг. Биз умр йўли, ижод йўли, тараққиёт йўли, сиёсат йўли деган ибораларни кўп ишлатамиз. Халқимизнинг, Ватанимизнинг йўлини очиб берсин, дея тилак қиламиз.

Ана шу орзу-истакларга эришишда, она юртимизнинг бой ва улкан салоҳиятини рўёбга чиқаришда, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишда автомобиллар оқими тўғрисидаги миллионлаб тонна юк ташилладиган кўнча ва раван йўлларнинг ўрни ва аҳамияти бекиёсдир. Зеро, биз олий мақсадимиз бўлган миллий тараққиётга, буюк келажаққа, нурли манзилларга ўз қилими билан бунёд этилаётган ана шу йўллар орқали борамиз...

Аҳмад ХЎЖА (ЎЗА)

ЮРТИМИЗДА АҲОЛИНИ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШ КЎЛАМИНИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРИШ, ИНСОН, УНИНГ ҲАЁТИ, ОРЗУ-НИЯТЛАРИ, ДАРДУ ТАШВИШЛАРИ ЭЪТИБОР МАРКАЗИГА ҚЎЙИЛИБ, ЭНГ ОЛИЙ ҚАДРИЯТ — ИНСОН ДЕГАН ҲОЯЛАРГА ТЎЛИҚ АМАЛ ҚИЛИНГАНИ ҲОЛДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИНING 14 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНАНАЛИ МАРОСИМДАГИ МАЪРУЗАЛАРИДА ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВ 2007 ЙИЛНИ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ЙИЛИ ДЕБ ЭЪЛОН ҚИЛГАНДИЛАР.

Маърузада айтилишича «... ижтимоий ҳимоя масаласи—бу фақат давлат ва ҳокимият ташкилотлари, ижтимоий таъминот ва хайрия муассасаларининг иши бўлиб қолмаслиги лозим. «Ижтимоий» деган сўзнинг кўпчиликка, жамоатчиликка мансуб деган маънони ифода этишини инобатга оладиган бўлсак, бу ўта муҳим масала жамиятимизнинг, барчамизнинг бурчимизга айланиши даркор».

Айни чоғда янги ном берилган йилда ҳаётимизда муҳим аҳамиятга молик бўлган муайян ижтимоий масалаларни енчи мақсадида, ўз куч ва имкониятларимизни сафарбар этиб, катта-катта ишлар амалга оширилмоқда.

Давлатимиз сиёсатининг асосий бешта тамойилидан бири, бу фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилишга қаратилган. Шу боис «ислохот ин-

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

сон учун» деган қанотбахш шиор Истиклолимизнинг дастлабки қунариданок ҳаётимизга татбиқ этиб келинмоқда.

Ҳозирги бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида энг аввало ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган аҳоли тоифаларини—кўп болали ва кам таъминланган оилалар, ёлғиз кексалар, ота-онасиз қолган етимлар, ногиронлар, талабалар ва нафақадагиларнинг маънафатларини ҳар томонлама ҳимоя қилишга катта аҳамият берилаяпти.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 23 январдаги Қарори билан «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури тасдиқланди ва бу борада алоҳида қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинмоқда. «Ўзбекистон Республикасида ёшларга доир давлат сиёсатининг асослари тўғрисида»-ги, «Йод танқислиги касалликларининг олдини олиш тўғрисида»-ги, «Ҳомийлар тўғрисида»-ги, «Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»-ги, «Болалар ҳуқуқларининг қаролатили тўғрисида»-ги, «Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалардан ва касбий касалликлардан давлат томонидан ижтимоий суғурталаш тўғрисида»-ги, «Тиббий суғурталаш тўғрисида»-ги ва бошқа қатор қабул қилинган ва қабул қилишга тайёрланаётган қонунлар шулар жумласидандир.

Республикаимиз келажақ бўлган ёш авлодининг соғлом бўлиб туғилишига ҳам алоҳида аҳамият берилаяпти. «Соғлом она — соғлом бола»—шиори остида бошланган ҳаракатлар давом эттириляпти.

Жорий йилнинг 18 май кўни «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурига мувофиқ ва ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга қириб келишда уларга зарур ёрдам кўрсатишни, уларнинг уй-жой ва маиший шароитларини яхшилашни назарда тутувчи «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонининг қабул қилиниши айнан халқимиз дилидаги эзгу ниятларнинг ифодасидир.

Нотариат соҳасида ҳам Ўзбекистон Республикаси фуқароларига енгилликлар яратилган.

Чунончи, 2006 йилнинг 7 июнь кунидан бошлаб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 109-сонли «Нотариал ишларни бажарганлик учун давлат божини стандартлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида»-ги қарорига асосан, 1994 йилнинг 3 ноябрдаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 533-сонли давлат божлари тўғрисидаги қарорининг 4-бандига ўзгартиришлар киритилиб, эндilikда уй-жой ва қонандорлар сотилганда давлат божлари турар жой майдонларидан ҳисобланади. (Аввал сотилаётган қўчимас мулкнинг баҳосидан 10 фоиз миқдорда олинарди).

Мерос ишларини олиб боришда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1135-моддасига асосан;

1.Биринчи навбатдаги ворислар мерос мулкнинг баҳосидан 0,1 фоиз (аввал 0,3 фоиз эди) давлат божини тўлайдилар.

2.Иккинчи навбатдаги ворислар эса мерос мулкнинг баҳосидан 0,5 фоиз (аввал 0,1 фоиз эди) давлат божини тўлайдилар.

Юқорида қайд этилган маълумотлар, қабул қилинаётган қонунлар ва бажарилаётган ишлар Ўзбекистон Республикасида кейинги йилларда мамлакат аҳолисини иқтисодий, сиёсий маданий ва бошқа соҳаларда қўллаб-қувватлашга, халқимизда келажаққа бўлган ишончини мустаҳкамлашга жуда катта аҳамият берилаётганлигидан далolat беради, бу эса давлатимиз томонидан қучли ижтимоий сиёсат олиб борилаётганлигининг исботидир.

Эътибор МИРБОБОВА, 1-Яккасарой туман давлат нотариал идораси давлат нотариуси

2007—Ижтимоий ҳимоя

Йили

ҒАМҲЎРЛИК НАМУНАСИ

МАМЛАКАТИМИЗДА «ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ЙИЛИ» ДАВЛАТ ДАСТУРИ ДОИРАСИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИШЛАР МИҚЁСИНИ ТАХЛИЛ ҚИЛИБ КЎРГАННИМИЗДА, БЕВОСИТА ЮРТБОШИМИЗНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИНING 14 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНАНАЛИ МАРОСИМДАГИ МАЪРУЗАСИДА ТАЪКИДЛАГАН «ИЖТИМОЙ МУҲОҒАЗАГА БИРИНЧИ ГАЛДА МУҲТОЖ БЎЛГАН АҲОЛИ ТОИФАЛАРИ—КЎП БОЛАЛИ ВА КАМ ТАЪМИНЛАНГАН ОИЛАЛАР, ЁЛҒИЗ КЕКСАЛАР, ЕТИМ-ЕСИР ВА НОГИРОНЛАР, ТАЛАБА ВА ПЕНСИОНЕРЛАРНИНГ МАНАФААТЛАРИНИ ҲАР ТОМОНЛАМА ҲИМОЯ ЭТИШ БЎЙИЧА ҚИЛГАН ИШЛАРИМИЗНИ ТАЪКИДЛАШ ЖОИЗ»,—ДЕГАН СЎЗЛАРИ ЗАМИРИДА БАРЧА МАЗМУН-МОҲИЯТ АЁН БЎЛАДИ.

Биргина Тошкент Банк коллежиди «Ижтимоий ҳимоя йили»да ўқувчи-ёшларни ўқишга янада қизиқтириш, мукаммал билим эгаллашларига бегараз қўмак бериш мақсадида қўллаб-қувватлаш амалга оширилди. Хусусан, 2006-2007 ўқув йили бошидан иқтидорли талабалар гуруҳи ташкил этилди. 20 та талабани ўз ичига олувчи ушбу гуруҳ, ҳар ой олий ўқув юртлари талабалари сингари коллеж ҳисобидан стипендия билан таъминланди. Бундан ташқари, коллежда тахсил олувчи кам таъминланган ва буюқувчинини йўқотган оила фарзандларига мунтазам равишда моддий ёрдамлар бериб борилади. Талабалар ўртасида ҳам маънавий, ҳам молиявий рағбатлантириш натижасида ўзаро рақобат, яъни бир-бирдан ўзиш, билим қўққилари сари иштило пайдо бўлган. Коллеж ўқитувчиларининг ақсарияти ёшлардан ташкил топгани боис, таълим бериш жараёнида уларнинг замонавий педагогик технологиялар ноъанавий усуллардан фойдаланиши ўқувчи-ёшларнинг фанга қизиқишини ошириб бормоқда. Коллеж талабаларининг туман, шаҳар олимпиадаларида совринли ўринларни олишлари, шаҳар ва республика миқёсида ўтказиладиган қуриқ-танловларда муваффақиятли иштирок этишларини юқоридидаги каби амалга оширилган ишларнинг самараси десак муболага бўлмайди.

Яна бир эътиборли жиҳати, Тошкент Банк коллежининг «Иқтисодиёт ва молия» бўлими бошлиғи ўринбосари Акбар Расулов билан суҳбат жараёнида шу нарсга маълум бўлдики, коллеж ўқитувчиларидан бири, халқ таълими алоҳисси, техника фанлари доктори, профессор-ўқитувчи бегараз ёрдам сифатида ўз машиини ҳар ой тўғридан-тўғри Меҳрибонлик уйига ўтказиб боради. Танафус чоғида қисқа муддат ўшбу саховатли ўқитувчи билан суҳбат қуришга муваффақ бўлди. Ҳамсуҳбатимизнинг сўзларидан қўнғили кенг ва очиклиги, меҳмондўст ва боласеварлиги кўриниб турарди. Сўзининг якунида ўқитувчи ўз исми-фамилиясини мақолада чоп этирмаслигини, у кишининг барча қилаётган эзгу ишлари савоб йўлида эканлигини таъкидлаб ўтди.

Буларнинг ҳаммаси—Мустиқиллик йилларида фуқаронинг давлатга, давлатнинг фуқарога бўлган ишончи ва ғамхўрлиги тобора ошиб бораётганини кўрсатади.

Юсуфжон ХЎЖАНАЗАРОВ, Хуршидҷон ЭШБОВЕ, ТДИУ магистрлари

Иқтисодиёт

НАҚШЛИ ОЙНАЛАР

ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАЁТГАН ҲАР БИР МАҲСУЛОТНИНГ ХАРИДОРГИРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА АЛБАТТА, ТАШҚИ КЎРИНИШИ, БЕЗАКЛАРИГА ҚАРАТИЛГАН ЭЪТИБОР КАТТА АҲАМИЯТ КАСБ ЭТАДИ.

Бу борада эса, шубҳасиз бозорни ўрганиш, харидор дид ва талабини эътиборга олиш самара беради. Пойтахтимиздаги «Ҳамдам Афзал» хусусий корхонасида меҳнат қилаётган 15 нафар тадбиркор ишчи-хизматчилар ҳам шу асосда иш юритиб, буюртмачи ва харидор талабини қондириш

TOSHKENT SHAHAR BO'LI MI

AMOLOT

**БОЛАЛАР—ЮРТИМИЗ
КЕЛАЖАГИ ВА ВОРИСЛАРИДИР.
ЕТУК ИНСОН ЭТИБ ТАРБИЯЛАШДА
УЛАРГА ЯРАТИЛАЁТГАН
ИМКОНИАТЛАР КАТТА АҲАМИЯТ
КАСБ ЭТАДИ. ИМКОНИАТНИ
ЯРАТИБ БЕРИШ ЭСА БИЗ
КАТТАЛАРНИНГ ВАЗИФАМИЗДИР.
БУГУНГИ КУНДА ЮРТИМИЗДАГИ
БОЛАЛАРГА БЎЛГАН ЭЪТИБОР
ТАХСИНГА ЛОЙИҚ.**

Спортни ривожлантириш, болалар ҳуқуқларини ҳимоялаш, уларнинг сийхат-саломатлигини яхшилаш мақсадида кўпгина давлат Дастурлари қабул қилиниб, ҳозирги кунда ушбу Дастурлар фаол бажарилаётган. Истиқлол йилларида барча жаҳонларда бўлгани сингари мамлакатимизнинг маънавий-маданий ҳаётида ҳам улкан янгиланишлар юз берди. Миллий маданиятимизни ривожлантиришга, аждодларимиз меросини чуқур ўрганишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

«ЭСКИ ШАҲАР МАРВАРИДИ»

Халқимизда мусиқа маданияти кўп асрлар давомида шаклланиб келган. Мустақиллик шарофати билан эса, болалар гуруҳларини ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини кўллаб-қувватлаш борасида кўпгина ишлар амалга оширилди.

Янги «Эски шаҳар»нинг дурдонаси ҳисобланмиш, Ўзбекистонда ўз нуфузига эга бўлган Болалар ижодиёти уйда азия болаларимизнинг учун мусиқа соҳасида анча-мунча қулайликлар яратиб берилган. Болаларга ўзбек мусиқасининг тарихи, санъати ва маданияти билан бир қаторда, ўзбек халқининг мусиқа санъатига ҳисса қўшган олиму кўшиқчилари ҳақида доимо маълумотлар бериб борилади. Бо-

лалар ижодиёти уйи қошида 2005 йилда ташкил этилган «Марварид» болалар шоу гуруҳи ҳам ўз сафига аини мусиқа соҳасига қизиққан истеъдодли, 4 ёшдан 14

БОЛАЛАР ҚУВОНЧИ ОЛАМНИ ТУТСИН

ёшгача бўлган болаларнинг бирлаштирилган. «Марварид» болалар шоу гуруҳи ўзининг «Замонавий қизалоқ», «Ҳакалакам», «Баҳор», «Ассалом» каби кўшиқлари билан аллақачон танилишга улгурди. Ушбу гуруҳ ўз кўшиқларида гўзал ва мафтункор Ватан, табиятнинг инъомлари ва болалар қувончини акс эттириб келмоқда. Шунингдек, ушбу гуруҳ томонидан ижро этилаётган кўпгина кўшиқларда ўзбек миллий кўшиқ-лапарлари, маколлари ва миллий қадрият ва анъаналаримизни пайқаш қийин эмас. Ўзбек миллий мусиқа санъатини ёш авлодга етказишда аини шу каби кўшиқларнинг ўрни катта.

—Бизнинг асосий мақсадимиз ҳам ёш истеъдодли болаларни излаб топиш, уларнинг мусиқа соҳасидаги қизиқишларини кўллаб-қувватлаш ва албатта ўзбек миллий кўшиқчилигини сақлаб қолишдир. Болалар ижодиёти уйида 10 га қич болалар гуруҳлари мавжуд, лекин «Марварид» гуруҳи бошқа гуруҳлардан ўзгача: яъни миллий кўшиқчи замонавий оҳанг билан уйғунлаштирилган ҳолда ижро этиши билан ҳам ажралиб туради. Аини шу гуруҳни Тошкент шаҳрида кўпроқ танишди. Бунинг сабаби эса болаларча шўхлик, қувонч, замонавий оҳанг аини «Марварид» гуруҳида акс этган. Бир сўз билан айтганда, «Марварид» бизнинг дурдонамиш ҳисобланади, —дейди Болалар ижодиёти

уйи раҳбари Носиржон Файзиев.

ИЛК ҚАДАМ

«Марварид» болалар гуруҳи 2006 йил октябр ойида Тошкент шаҳрининг мустақил «Зарафшон» кино-концерт заллида ўзининг илк концертини тақдим этди. Ушбу концертга давлат ва нодавлат ташкилотлар вакиллари, Тошкент шаҳрида фаолият юритаётган халқаро ташкилот ва элчихона ходимлари ва албатта гуруҳ аъзоларининг ота-оналари меҳмон сифатида ташриф буюрдилар. Болалар гуруҳларини кўллаб-қувватлаш, уларга ҳар томонлама қулайликлар яратиб беришни

мақсад қилиб олган «Камолот» ЁИХ, «Билан» савдо белгиси ва албатта Болалар ижодиёти уйи ўз ҳомийликларини кўрсатдилар.

—Мен ёшлигимдан мусиқага жуда қизиқиб келаман. Гуруҳга аъзо бўлишдан олдин гуруҳ раҳбари Гулчехра опам мени кичик имтиҳондан ўтказиб, қобилиятимни текшириб кўрдилар. «Имтиҳондан 5 олдин» дея мени табрикладилар. Ушбу гуруҳга келганимда мусиқа фани ҳақида унча маълумотга эга эмас эдим, кўшиқ ижро этиш саҳнада ўзини тутиш каби қоидаларни ўргандим. Энг асосийси—бўш вақтим умуман йўқ! Биз бир қанча эстрада гуруҳлари ва юлдузлари билан биргаллик кўшиқлар ижро этдик. «Божалар» гуруҳининг клипларида суратга тушганимиз бунга мисол бўла олади, —дейди «Замонавий қизалоқ» кўшиғи ижрочиси Рухсара.

«САВОБ ИШЛАР — ҲАР КУНИ!» ЛОЙИҲАСИ

«Марварид» болалар гуруҳи мунтазам равишда ҳам таъминланган, боқувчисини йўқотган, ногирон ва меҳрга ташна оила фарзандлари, умуман олганда болажон-

лар учун бир йил ичида 20 дан ортиқ концертлар, кўча маданий тадбирлар ташкил этди. Жумладан, Шайхонтоҳур туманидаги кўпгина маҳалла ва ўқув юрларида ўтказилган шу каби тадбирларда фаол иштирок этиб келмоқда.

—Биз Шайхонтоҳур туманида фаолият олиб борамиз. Шунинг учун ҳам, бу ишларда «Камолот» ЁИХ Шайхонтоҳур туман бўлими Кенгаши ходимлари яқиндан кўмак беришади, —дейди «Марварид» гуруҳи раҳбари Гулчехра Иргашева.

АЙНИ ДАМДА...

«Марварид» болалар гуруҳи катта ва кичик гуруҳларда фаолият юритади. Ушбу гуруҳ бир йил ичида турли кўрик-танлов, мусиқа фестиваллари ва халқаро миқёсда ўтказилган беллашуларда ҳам иштирок этишга улгурди. Ҳозирги кунгача 50 нафар гуруҳ аъзолари иштирокда 15 дан ортиқ кўшиқлар яратилган. «Марварид» болалар гуруҳи ҳозирда нафақат миллий кўшиқлар, шу билан бирга замонавий усулда ҳам ижод қилмоқда.

Замонавий кўшиқларнинг кўпчилиги 5 ёшдан 7 ёшгача бўлган гуруҳ аъзолари томонидан ижро этилган. Гуруҳдаги болажонларда илк қобилиятни илғаш унчалик қийин эмас. Аини ҳозирги вақтда гуруҳнинг илк альбомини тайёрлаш устида иш олиб боришмоқда. Ҳозиргача ушбу гуруҳ томонидан хоразмча, сурхондарёча, арабча ва русча кўшиқлар ёзилган.

Айтинг, қачон нурга тўлар, барча киру даладар
Бойчечаклар бош кўтарса, уни терса болалар
Кизалоқлар сочларини, ўрганида жамалак,
Ўмғирдан сўнг қуёш порлар,
Жилмайганда камалак
Бу баҳордир, бу наврўздир, бу ақлоб байрамдир,
Кувончлардан, шодликлардан юртим яна кўркамдир.

—Режадаги ишларни амалга оширишда эса биз кўлимиздан келганча ўз ҳомийлигимизни кўрсатамиз ва келгуси ишларда гуруҳга омад, зафарлар тайлашимиз, —дейди «Камолот» ЁИХ Шайхонтоҳур туман бўлими Кенгаши раиси Бунёдбек Юлдашев.

Азимжон ҲУСАНОВ

МУСТАҚИЛЛИК ОЛИЙ НЕЪМАТ

**ШАЙХОНТОҲУР ТУМАН ҲОКИМИЛИГИДА
«МУСТАҚИЛЛИКНИ АСРАБ-АВАЙЛАШ,
ҲИМОЯ ҚИЛИШ ВА МУСТАҲКАМЛАШ
МУҚАДДАС БУРЧИМИЗ» МАВЗУИДА ИЛМИЙ-
АМАЛИЙ АНЖУМАН БЎЛИБ ЎТДИ.**

Унда туман хотин-қизлар кўмитаси, «Камолот» ЁИХ, туман халқ таълими ва маданият ва спорт ишлари бўлимлари вакиллари, маҳаллий корхона ва ташкилотларнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича масъул ходимлари иштирок этди.

Анжуманда сўз олганлар ҳозирги кунда жамятдаги долзарб муаммолардан бири диний экстремизм ва фундаментализм ҳамда ғиёвандликка қарши курашининг маънавий — маърифий асосларига алоҳида тўхталди. Бу каби иллатларнинг олдини олиш учун аввало ёшларнинг ҳуқуқий билимини ошириш, уларни маънавий баркамол этиб тарбиялаш борасида олиб борилаётган маънавий-маърифий ишларни янада такомиллаштириш зарурлиги таъкидланди.

Тошкент шаҳар Маънавият тарғибот маркази ҳамкорлигида ташкил этилган анжуман қизгин мулоҳаза-ларга бой бўлди. Ютқуларимиз олдида эсанкирамай, иқтисодиётни мустаҳкамлаш, миллий давлатчиликни қарор топтириш, овоз ватанимизни ғанимлардан асраб-авайлаш, кишиларимиз онгида янги тафаккурни шакллантириш, аиниқсиз ёш авлодни аждодлар мероси, миллий қадриятлар ва замон руҳига мос тарбиялаш вояга етказиш олдимиздаги аниқ вазифалар эканлиги анжуманда алоҳида эътироф этилди. Зеро, не-не машаққатлар билан қўлга киритилган Мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, уни кўз қорачиқдай асраш, қадрига етиш ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчи ҳисобланади.

Мадина УСМОНОВА,
«Туркистон-пресс»

Таълим

«БУНЁДКОР» ГУРУҲИ ЕНГ ШИМАРАДИ

**АНЪАНАГА КЎРА, БУ ЙИЛ ҲАМ ОЛИЙ
ЎҚУВ ЮРТЛАРИДА ТАЛАБАЛАРНИНГ
УЧИНЧИ МЕҲНАТ СЕМЕСТРИ ЯҲШИ ТАШКИЛ
ЭТИЛАДИ. ТОШКЕНТ ТЕМИР ЙЎЛ
ТРАНСПОРТИ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИДА
ТАШКИЛ ЭТИЛАЁТГАН ҚУРИЛИШ ЖАМОАСИ
ҲАМ МЕҲНАТ ТАЪТИЛИГА ПУХТА ҲОЗИРЛИК
ҚИЛМОҚДА.**

Олий ўқув юртида юзага келадиган «Бунёдкор» қурилиш гуруҳи эса темирйўлни тиклаш жараёнлари-га жалб этилади. «Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон» темир йўлининг қурилишида ҳам улар ўзига хос меҳнатсеварлик намунасини кўрсатадилар. Бир гуруҳ ёшлар Деҳқонобод ва Дарбанд бекатлари оралигидаги магистралда темирйўлчиларга яқиндан туриб ёрдамлашадилар.

Фидойи талабалар меҳнат қилиш билан бирга яхши дам олишни ҳам унутмадилар, албатта.

ЯРИМ АСРЛИК ФАОЛИЯТ

**РЕСПУБЛИКАМИЗДАГИ ИРИК ОЛИЙ ЎҚУВ
ЮРТЛАРИДАН БИРИ ҲИСОБЛАНГАН
ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ
УНИВЕРСИТЕТИ ЎЗИНИНГ ЯРИМ АСРДАН
ЗИЁДҚО ТАРИХИГА ЭГА. У 1955 ЙИЛДА
ТАШКИЛ ЭТИЛГАН БЎЛИБ, ТОШКЕНТ
ЭЛЕКТРОТЕХНИКА АЛОҚА ИНСТИТУТИ
ЯНГИЛАН ФАОЛИЯТ КЎРСАТГАН ЙИЛЛАР
КЎПЛАБ МАЛАКАЛИ ЁШ МУТАХАССИСЛАРНИ
МУСТАҚИЛ ҲАЁТГА ЙЎЛЛАДИ.**

Бундан беш йил муқаддам Ўзбекистон Президентининг Фармони билан унга Тошкент Ахборот технологиялари университети деган янги мақом берилди. Бу ерда ҳозир 30 дан ортиқ кафедра ишлаб турибди. Телекоммуникациялар ўқув маркази эса кадрлар тайёрлашда бой тажриба ортирди.

«Алоқа тизимларини бошқариш», «Юқори аниқлик ахборот тармоқлари», «Интернет технологиялари ва хизматлари» йўналишлари бўйича магистратура таълими йўлга қўйилди. «Радиотехника тизими» кафедраси ҳузурида компьютер синфи очилди. Уни жиҳозлаш учун ҳомий ташкилотлар томонидан қўллаб қўргазмалар ўқув қурулловлари олинди. Университетнинг жойлардаги шохобчалари ҳам замонавий техника воситалари билан таъминланди.

Алоқа

ЗАРРАДА ҚУЁШ АКСИ

**БУНДАН 120 ЙИЛ АВВАЛ ТОШКЕНТДА
ДАСТАБКИ ТЕЛЕФОН СТАНЦИЯСИ ИШГА
ТУШГАН ЭДИ. ЎША 1887 ЙИЛДА
ПОЙТАХТИМИЗДА ТЕЛЕФОН ХИЗМАТИДАН
АЙРИМ ДОИРАДАГИ ХОДИМЛАР
ФОЙДАЛАНГАН ЭДИ. БУГУНГИ КУНДА ЭСА
ТЕЛЕФОН АЛОҚАСИ ШАҲРИМИЗ ҲАЁТИДА
КЕНГ ТАРМОҚ ЁЗГАН.**

«Ўзбектелеком» акциядорлик компаниясининг «Тошкент шаҳар телефон тармоғи» филиали фаолияти бунга яққол мисол бўла олади. Тошкент шаҳар телекоммуникациялар тармоғини янада ривожлантириш ва модернизация қилишга қаратилган йўриқномага биноан қатор илгор технологиялар жорий этилди.

Шаҳар аҳолисида унга яқин телефон станциялари хизмат кўрсатмоқда. Рақамли телефон станциялар жорий этилишидан мижозлар мамнун бўлишмоқда. Филиалда тармоқни ривожлантириш лойиҳаси дорасида ҳам талай ишлар бажарилди. Жумладан, «Сименс» компанияси билан тузилган шартнома асосида шаҳримизда 30 мингдан ортиқ портга мўлжалланган рақамли коммуникация қурилмалари ўрнатилди.

Ахборот ҳисоблаш маркази томонидан тижорат ва ҳўжалик сектори абонентларига маълумот узатиш, интернет, интернет пунктлари хизматлари тақдим этилди. Бу эса маълумотлар узатиш тармоғи ва интернетдан фойдаланаётган мижозлар сони кескин ортишига сабаб бўлди. Аини вақтда — Тошкент шаҳри ва пойтахт вилоятида махсус таксофон қарточкаларида ишловчи қўллаб универсал таксофонлар ўрнатилди.

Обид АҲМЕДОВ

**МАЪЛУМКИ, ЮРТИМИЗДА
ЎСИБ КЕЛАЁТГАН ЁШЛАРНИ
ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ,
УЛАРНИНГ МАНОФААТЛАРИНИ
ҲИМОЯ ҚИЛИШ, ТУРЛИ
МУАММОЛАРИНИ ЕЧИШДА
ҚЎМАҚЛАШИШ (ИШ БИЛАН
ТАЪМИНЛАШ, КАСБ-ҲУНАРГА
ЎРГАТИШ, ЎҚУВ
КРЕДИТЛАРИНИ, МУСТАҚИЛ
ТАДБИРКОРЛИК БИЛАН
ШУҒУЛЛАНИШНИ БОШЛАШ
ЁКИ РИВОЖЛАНТИРИШ
УЧУН КРЕДИТЛАРНИ ОЛИШДА
ЁРДМ БЕРИШ ВА Ҳ.Қ), БИР
СЎЗ БИЛАН АЙТГАНДА ЭСА
ЖИСМОНАН СОҒЛОМ,
МАЪНАН ЕТУК БЎЛИБ
ВОЯГА ЕТИШЛАРИГА ҚЎМАҚЛАШИШ
МАҚСАДИДА ИШ БОШЛАГАН
«КАМОЛОТ» ЁИХ БУГУН ЎЗ
САФИГА МИНГЛАБ ЁШЛАРНИ
КАМРАБ ОЛДИ.**

Хусусан «Камолот» ЁИХ Мировод туман бўлими Кенгаши томонидан ёшларнинг, ҳар бир соҳа бўйича фаоллигини ошириш, яхши таълим-тарбия олишлари, касб-ҳунарли бўлишлари, эртанимнинг издошлари учун яратилган барча имкониятлардан унумли фойдаланишлари, Ватанимизнинг муносиб посбони бўлиб вояга етишлари йўлида самарали иш олиб боришмоқда.

—Туманимиз ёшларининг ҳуқуқий билимларини ошириш, динга бўлган муносабатини тўғри

«Ёшлик» талабалар шаҳарчаси ёшлари ўзларига яратилган барча имкониятлардан тўғри фойдаланиш билан бирга, билим олиш, маънавий ҳордиқ чиқариш жисмоний баркамоллик мезонларидан оқилона фойдаланишга интилоқдалар. «Ёшлик» шаҳарчаси ҳокимияти томонидан шаҳарчадаги фаол талаба-ёшларнинг етуқ кадр бўлиб етишишлари билан бирга Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузуридаги «Истеъдод» жамғармасида «Ёшларда раҳбарлик маҳорати»

шакллантириш, кичик ва ҳусусий бизнесни ривожлантириш ва ёшлар ўртасида тарғиб қилиш, ҳарбий хизматга тайёрлаш ва уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, шунингдек, вояга етмаган ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларни спортга жалб қилган ҳолда соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш каби бир қатор йўналишлар бўйича узлуксиз режалар ижро этиш олиб борамиз, —дейди биз билан суҳбатда «Камолот» ЁИХ Мировод туман бўлими раиси Жамшид Низомов. —Бу борада туманда бир қанча тадбирлар, лойиҳалар амалга оши-

риб келинмоқда. Масалан, аҳолини иш билан таъминлаш бўлими билан ҳамкорликда бўш иш ўринлари бўйича меҳнат ярмаркалари ўтказилган бўлса унда 140 нафар ёшлар иштирок этди. Шулардан 83 нафари иш билан таъминланди 13 нафари қайта касбга йўналтирилди. Ўқув юрларида эса «Сиз ҳуқуқингизни биласизми?», «Конституция сабоқлари», «Болалар ҳуқуқлари тўғрисида»ги Конвенциянинг мазмун ва моҳияти, «Конституция олами»га савҳат» мавзуларида учрашув, бахс-мунозара ва мулоқотлар, «Конституциямиз—бахтимиз пойдевори», «Мен ҳуқуқий-демократ-

лим савияларини ошириш ва ўз манфаатларини ҳимоя қилишга ўргатиш, ёш йигит-қизларнинг ақл-заковати, куч-ғайратларини тўла намоён этишлари, жамятда муносиб ўрин эгаллашлари, қўмақлашиш, ёшларни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш каби хайрли мақсадлар қўзғалди.

Яқинда ушбу курсда тахсил олган талабаларга сертификат топириш маросими ўзгача кутаринчилик билан ўтди. Талаба-ёшларнинг қўла-

ТАЛАБАЛИК — ОЛТИН ДАВР

**ЁШЛИК ТИНИМ БИЛМАС ДАВР. БУ ДАВР—ИНСОННИНГ БИЛИМ ОЛИШИ,
БУ ОЛАМ ГЎЗАЛИКЛАРИДАН БАҲРАМАНД БЎЛИШИ УЧУН ГЎЁКИ
ШАМЧИРОҚНИНГ АЛАНГА ОЛИБ САМОЛАРГА САЙР ҚИЛИШИ КАБИДИР.**

курси бўйича тахсил олишлари ҳам уларга яратилган имкониятларнинг далилидир.

«Истеъдод» жамғармаси 2005 йилдан ўз фаолиятини бошлаган бўлиб шу вақтгача ушбу жамғармада 150 га яқин талабалар тахсил олди.

«Ёшлик» талабалар шаҳарчаси раҳбариятининг бундан қўзғалган асосий мақсади, шаҳарча ҳудудидagi талабалар турар жойларида фаолият кўрсатаётган ёш талабалар кенгаши раисларининг раҳбарлик маҳоратини ошириш, улар онгига миллий истиқлол ғояси, ҳуқуқий демократия ҳақиқат қуриш, қадриятларини сингдириш, шунингдек, раҳбар меҳнатини ташкил қилиш, бошқарув, қарорларни қабул қилиш, талабалар жамоаларида учрайдиган айрим низолатларнинг олдини олиш, ёш раҳбарларнинг маданияти, талабалар турар жойларида ўз-ўзини бошқаришни ташкил этиш, яратилган шароитдан тўғри фойдаланишни ўргатишдир. «Ёшларда раҳбарлик маҳорати» мавзусидаги талабалар кенгаши раисларининг бошқарув маҳоратини ошириш юзасидан махсус курс ташкил этилиб унда талабалар «Миллий ғоя», «Ҳуқуқий саводхонлик, қонунга итоаткорлик, давлат тизимига ҳурмат ва фуқаролик бурчи»га садоқат — шахс маънавий баркамоллиги мезонлари сифатида», «Диний экстремизм, фундаментализм, терроризм: мақсади, манфур қиёбаси, иллати, уларга қарши кураш зарурати ва моҳияти» каби бир қатор мавзуларда тахсил олдилар. Бундан талаба-ёшларнинг бўш вақтларини унумли ўтказиш, соғлом турмуш тарзи талаблари асосида тарбиялаш, би-

ридаги қувонч, юзларидаги қулгудан бунинг англа олиш қийин эмас эди. Сертификат топириш маросимида ўз қувончини яшира олмаган Тошкент Банк коллежининг 2-курс талабаси Зиёда Каримжонов «Раҳбарлик маҳорати бўйича тахсил олишим менинг келажақка бўлган интилишимни ошириб, қалбимга бир илиқлик бахш этди. Шу юртда туғилганимдан, мустақил юрт фарзанди бўлганимдан, пойтахтдаги энг гўзал шаҳарчада тахсил олаётганимдан худаям хурсандман» деб ўз ҳажжонини биз билан баҳам кўрди.

«Истеъдод» жамғармасида тахсил олган талабалардан Тошкент молия институти талабаси Учқун Ўроқов эса: «Биз тахсил олиш жараёнида аввало ўз-ўзини бошқариш принциплари бўйича олган билимларимизни талабалар турар жойларида қўллаб, ижобий натижаларга эришганимизни таъкидлаб ўтишим зарур. Мана шундай ижрочилик, раҳбарлик маҳоратининг шаклланишининг ўзидек юқори чўққиларни қашф этишимизга туртки бўлади. Келажақда мустақил Ўзбекистонимизга фойдаси тегадиган, етуқ кадр бўлиб етишаман, деб ишонч билдирди.

Уйлаимизки, йилдан йилга ушбу курсда тахсил олаётган талабалар сафи ошиб, Республикага етуқ кадр, маҳоратли раҳбарларни етиштириб беради.

Назира ХАМРАЕВА,
«Ёшлик» талабалар шаҳарчаси матбуот котиби

Катра

ҲАЁТИМ МАЪНОСИ...

Кўнглимга назар ташладим бир кун. Кўнглим ўқиб-ўқиб фарёдлар урди. Қанчалик бекем, бешафқат ўзим. Сени йиғлатиб не топдим кўнглим. Йўқотдим. Йўқотганим бир дунё. Топмадим, топполмадим. Менинг гуноҳларим-дилдорлигим.

Бир қанча дилларни мажруҳ, шикаста этдим. Энг катта йўқотганим — бошимдаги давлатшоҳим, тождорим падари бузрукворимдан айрилганим, қолганларини йўқотиш ҳисобламайман. Билмадим ойдаида айтган орзуларим саробнинг сариқ кўйлагига хироман этар... Орзулар болиқдага йўнади, дейишад. Мен ҳам покиза, хушбахтлик тортиқ этувчи туйғуларни орзу этгандим... Болалик ширинлигига қўрилган бир туш мисоли шу қадар қисқа...

Қўлларимдан тушиб қолган

Кўнглимга,
Бекиммачоқ ўйин эди овуқим,
Олтинга ҳам ашишмаган ақло чоғим,
Қайлардасан менинг гўзал болоғим.

Наҳот ҳаёт шунчалик зиддиятларга, аламларга, гурбатлару хиёнатларга, ёлғонларга тўла бўлса. Балки бу Яратганининг синовларидир. Гоҳида етмайди бардошлар, иродам ожизлик қилади. Қурашлардан чарчадим кичи. Кўнглим зада, уни ҳам қийнадим беаёв...Лолақизалдоқлар қолган дадамнинг қабирига бориб йиғлаб-йиғлаб таскинлар қидираман ўзимга-ўзим.

Унда келди қалатларни кўрган тушим,
Учди-кетди бошимдаги ҳумо қушим,
Келавердим тошга уриб етим бошим,
Кетаётим отам фано қарвонида бедор қолдим, энди махшар

майдониди...
Хофизнинг нолалари менинг дардимни, армонимни хониш этаётгандек...

Махфуза ЙЎЛДОШЕВА

